

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ Ph.D.28.02.2018.FM.60.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ СУХРОБ РАЙИМЖОНОВИЧ**

**КРЕМНИЙ НЕГИЗИДАГИ СТРУКТУРАЛАРДА ФОТОЭЛЕКТРИК  
ЭНЕРГИЯ ЎЗГАРТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2018**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Алиев Сухроб Райимжонович**

Кремний негиздаги структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини ошириш..... 3

**Алиев Сухроб Райимжонович**

Повышения эффективности фотоэлектрического преобразования энергии в структурах на кремниевой основе ..... 19

**Aliev Sukhrob Rayimjonovich**

Increasing the efficiency of photoelectric energy conversion in structures based on silicon..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ ..... 39  
List of published works .....

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ СУХРОБ РАЙИМЖОНОВИЧ**

**КРЕМНИЙ НЕГИЗИДАГИ СТРУКТУРАЛАРДА ФОТОЭЛЕКТРИК  
ЭНЕРГИЯ ЎЗГАРТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/FM100 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Андижон давлат университетида ва Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юсупов Аҳмед</b> физика-математика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мамадолимов Абдуғофур</b> физика-математика фанлари доктори, академик <b>Отажонов Салим Мадрахимович</b> физика-математика фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат техника университети</b>

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.28.02.2018.FM.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz), Андижон давлат университети мажлислар зали.)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.З. Зайнабидинов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

**А.О. Курбанов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

**И.Н. Каримов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳозирги кунда шиддат билан ривожланаётган яримўтказгичлар физикаси соҳасида кремний негизидаги структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини ошириш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бунда фотоўзгартиргич юзасига тушаётган ёруғлик оқимининг самарали ютилишини таъминлаш, фотогенерацияланган заряд ташувчиларнинг сиртий ва ҳажмий рекомбинациясини камайтириш, юқори самарали фотоўзгартиргичлар учун истиқболли янги структуралар олиш, уларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини ўрганиш ҳамда юқори сифатли кремнийни тежаш имкониятларини тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда кремний негизидаги структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини ошириш борасида мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, куйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: кремний асосли *p-n*-ўтишли гомо- ва гетероструктураларда фотогенерацияланган заряд ташувчиларнинг ҳажмий рекомбинацияланиш даражасини камайтириш ҳисобига фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш; кремний негизидаги фотоўзгартиргичларнинг эмиттер қатламида ва фронтал сиртидаги фотогенерацияланган заряд ташувчиларнинг самарали йиғилиш даражасини инновацион технологиялар ёрдамида кучайтириш имкониятларини аниқлаш; самарадор фотоўзгартиргичларни яратиш учун истиқболли ҳисобланган кенг зонали ва паст таннархли янги материаллар ва структуралар олиш ҳамда улардаги заряд кўчиш механизмларини аниқлаш.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш»да яримўтказгичлар асосидаги фотоўзгартиргичларнинг самарадорлигини ошириш бўйича натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига, жумладан, кремний негизидаги структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини оширишни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сонли «2017-2021 йилларда Электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур

фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг «III. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш» устувор йўналишига мос илмий дастурларга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кремний негизидаги фотоўзгартиргичларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги илмий тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, М.А.Гриин, В.А.Летин, В.Р.Заявлин, Серж Абра-кен, Дефиз Жан-Марко, Колетт Жан-Поль, Д.С.Стребков ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари турли конструкцияга эга бўлган кремний негизидаги структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган. Жумладан, уларнинг тадқиқотларида вертикал *p-n*-ўтишли ва икки томонлама сезгир фотоўзгартиргичлар асосидаги конструкциялар яратилган ҳамда уларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятлари ўрганилган.

David B. Mitzi (АҚШ), Wei Wang (АҚШ), Douglas Bishop (АҚШ), Oki Gunawan (АҚШ), Yeng Ming Lam (Сингапур), Neil S. Beattie (Буюк Британия) ва бошқа хорижлик тадқиқотчилар  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4$  (CZTSSe) асосидаги гетероструктураларни олиш ва улардан фойдаланган ҳолда самарадор фотоўзгартиргичларни яратиш устида тадқиқот олиб борганлар. Тадқиқотлар натижасида ушбу олимлар шиша тагликда CZTSSe гетероструктуралар асосидаги фотоўзгартиргичлар олишга муваффақ бўлганлар (ФИК 12,6 %). Бугунги кунда CZTSSe/Si гетероструктуралар олиш ва улар асосида фотоўзгартиргичлар яратиш истикболли ҳамда долзарб масала сифатида сақланиб қолмоқда.

Ўзбек олимлари академик М.С.Саидов ва Б.М.Абдурахмановларнинг илмий ишларида концентраторли системалар учун юқори самарадорликка эга фотоўзгартиргичлар кўрсатиб ўтилган. Академик Р.А.Мўминов, М.Н.Турсунов ва бошқа олимларнинг ишларида турли конструкцияга эга бўлган фотоўзгартиргичларни яратиш ва фотоэлектрик хусусиятларини ўрганишнинг назарий ҳамда экспериментал таҳлиллари келтирилган.

А.Юсупов ва унинг гуруҳи томонидан турли тагликларда  $Cu_2ZnSnS_4$  (CZTS),  $Cu_2ZnSnSe_4$  (CZTSe), CZTSSe гетероструктуралар олинган ва уларнинг электрофизик хусусиятлари таҳлил этилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-2-28. «Легирланган кремний сирти ва ҳажмидаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг *p-n*-структуралардаги заряд ташувчилар фотогенерация ва рекомбинация жараёнларига таъсири» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал, А-4-12 рақамли «Квант ўлчамли наноплазмоника

эффекти ёрдамида кремний асосли қуёш элементлари самарадорлигини ошириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий, ЁА4-ОТ-0-1936 ЁА4-6 рақамли «Камқувватли электрон маиший жиҳозлар учун энергия манбаи сифатида қўллашга мўлжалланган фотоэлектрик модулларни яратиш ва синаш» (2014-2015 йй.) мавзусидаги ёшлар амалий тадқиқоти ҳамда Тошкент автомобиль йўллари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф-3-15 «Фотоэлектрик энергия ўзгартиргичлар учун истиқболли  $Cu_2ZnSnSe(S)_4$  қотишмалар асосида структуралар шакллантириш қонуниятлари ва уларнинг хусусиятлари» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кремний негизидаги структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини оширишнинг физик механизмларини ва янги техник ечимларини яратиш, истиқболли саналган кенг зонали ва экологик соф структураларнинг хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кремний асосли *p-n*-гомо- ва гетероструктураларда фотогенерацияланган заряд ташувчиларнинг рекомбинацияланиш даражасини камайтириш ҳисобига фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини ошириш имкониятларини ўрганиш;

вертикал *p-n*-ўтишларда ҳамда икки томонлама ёритилганлик шароитида фотогенерацияланган заряд ташувчиларнинг самарали йиғилиши ҳисобига янги самарадор техник ечимларни амалга ошириш;

кремний асосли қуёш ўзгартиргичларининг эмиттер қатламида ва фронтал сиртида фотогенерацияланган заряд ташувчиларнинг самарали йиғилишини инновацион технологиялар ёрдамида таъминлаш имкониятларини ўрганиш;

самарадор қуёш элементларини яратиш учун истиқболли  $S/Se$  моддаларининг оптимал муносабатларига эга  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4/Si$  гетероструктуралар олиш ва уларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** кремний асосли турли конструкцияларга эга фотоэлектрик ўзгартиргичлар ва  $CZTSSe/Si$  гетероструктуралардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** горизонтал ва вертикал *p-n*-ўтишли кремний структуралари асосидаги фотоўзгартиргичларда ва  $S/Se$  моддаларининг оптимал муносабатларига эга  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4/Si$  гетероструктураларда заряд ташиш қонуниятлари ва фотоэлектрик жараёнлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ишда структураларнинг стандарт шаклдаги вольт-ампер, вольт-сигим, спектрал характеристикаларини ўлчаш методлари, шунингдек, экспериментал намуналарга термик ишлов бериш, атомларни ионли киритиш, диффузиялаш каби технологик усуллар ҳамда морфологик тадқиқотларда электрон микроскоп, рентген таҳлили методи ва компьютерда моделлаштириш қўлланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

вертикал *p-n*-ўтишли фотоўзгартиргич асосида фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини уч баробаргача ошириш имконини берувчи фотоэлектрик модулнинг янги самарадор конструкцияси яратилган;

икки томонлама сезгир фотоўзгартиргичнинг фронтал ва орқа юзасига тушувчи ёруғлик оқими зичлигини асимметрик нур қайтаргичлар ёрдамида тенглаштириш усули билан унинг фотоэлектрик самарадорлигини яхшилаш илмий асосланган ва янги фотоэлектрик модул конструкцияси яратилган;

кремний фотоўзгартиргичнинг эмиттер қатламида наноўлчамли структуралар шакллантириш орқали фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини ошириш имконияти кўрсатилган;

фотоўзгартиргичларни яратиш учун истиқболли  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4$  гетероструктураларни кремний тагликка олиш технологияси яратилган ва олинган намуналарнинг электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятлари аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

яратилган вертикал *p-n*-ўтишли ва икки томонлама сезгир фотоўзгартиргичлардан ташкил топган фотоэлектрик модуллар кичик қувватли маиший электрон жиҳозлар учун энергия манбаи сифатида қўлланилган;

кремний сиртида квант ўлчамли эффектлар, квант нуқталар, квант толалар ва металл нанозарраларини ҳосил қилишнинг таклиф этилган янги усуллари фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг такомиллашувини таъминлаган;

фотоэлектрик ўзгартиргичлар учун истиқболли бўлган илк бора олинган ва характеристикалари таҳлил этилган  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4/Si$  гетероструктуралар асосида самарадор ва паст таннархли қуёш элементларини яратиш истиқболлари кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўлчаш аниқлиги юқори бўлган асбоблардан ва яримўтказгичли асбобларнинг характеристикалари ва параметрларини текширишда стандарт ва кенг қўлланиладиган замонавий илмий ва технологик методлардан фойдаланилган, шунингдек, илмий хулосалар ва техник ечимларнинг яримўтказгичлар физикаси назарияси ва тушунчаларига мослиги билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кремний асосидаги турли кўринишга эга бўлган *p-n*-гомо ва гетероструктураларда қуёш энергиясини электр энергиясига ўзгартириш жараёнларини кенгроқ тасаввур этиш, уларни квант ўлчамли эффектлардан фойдаланиш орқали янада такомиллаштириш йўллари тушунтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яратилган ва таклиф этилган конструкция ҳамда усуллар янги, самарадор ва паст таннархли фотоўзгартиргичлар яшаш имконини берган. Шу орқали кам қувватли электрон маиший жиҳозларни энергия билан таъминлаш имонияти яратилган.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кремний негизидаги структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини ошириш, фотоэлектрик конструкциялар ва структуралар олиш асосида:

вертикал *p-n*-ўтишли фотоўзгартиргич асосидаги «Фотоэлектрик модул»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04720, 2013 йил 5 май). Ишлаб чиқилган конструкция фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини уч баробаргача ошириш имконини берган;

ёруғлик оқими зичлигини асимметрик нур қайтаргичлар ёрдамида тенглаштириш асосида «Куёш генератори»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (№ FAP 01021, 2015 йил 2 июнь). Ишлаб чиқилган генератор фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

кремний сиртида нанотекстураланган муҳит ҳосил қилиш орқали квант ўлчамли эффектлар олиш бўйича техник ечим ОТ-Ф-2-28- рақамли «Легирланган кремний сирти ва ҳажмидаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг *p-n*-структуралардаги заряд ташувчилар фотогенерация ва рекомбинация жараёнларига таъсири» фундаментал тадқиқот лойиҳасида фотосезгирлиги юқори структуралар олишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги №89-03-1048 маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш *p-n*-структуралардаги заряд ташувчилар фотогенерациясининг самарали стимулланишини таъминлаган.

**Диссертация ишининг натижалари** 5 та халқаро ва 7 та Республика миқёсидаги конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола нашр этилган.

1 та ихтиро патенти, 1 та фойдали моделга патент ва 2 та ЭХМ учун дастурий маҳсулотга ИМАнинг гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 105 бетда ифодаланган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён

қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**Яримўтказгичли структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш ва улар эффективлигининг чегараланиш сабаблари**» деб номланган биринчи бобида яримўтказгичлар, хусусан, кремний структуралари асосидаги фотоэлектрик энергия ўзгартиргичларнинг аҳамияти, улар ишлашининг физик асослари ва тайёрлашнинг турли асосий методлари бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган. Кремний асосли фотоўзгартиргичларнинг фотогенерацияланувчи заряд ташувчиларнинг рекомбинациясини камайтириш ҳамда янги истиқболли инновацион ёндашув орқали уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари баён қилинган. Тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Кремний негизидаги қуёш элементлари ва фотоэлектрик модулларининг янги конструкцияларини асослаш ва яратиш**» деб номланган иккинчи бобида кремний негизидаги структураларда қуёш нурининг ютилиш кўрсаткичи таҳлил этилган бўлиб, келиб тушаётган қуёш нури кенгрок диапазонда қабул қилиш, тушаётган ёруғлик оқими зичлигини ошириш ва фотогенерацияланувчи заряд ташувчиларнинг рекомбинацияланиш даражасини камайтириш орқали самарадор фотоэлементлар ҳамда фотоэлектрик модул (ФМ)ларнинг янги конструкцияларини яратишга доир тадқиқотлар олиб борилган.

Қуёш нури электр энергиясига ўзгартириш учун горизонтал ва вертикал *p-n*-ўтишли қуёш элементларининг турли конструкцияларидан фойдаланилади. Вертикал *p-n*-ўтишни кўллаган ҳолда горизонтал *p-n*-ўтишга нисбатан заряд кўчиш жараёнларида юз берадиган ҳодисалар, хусусан, электрон-ковак жуфтликларнинг фотогенерацияланиши ва рекомбинацияланиши кремний чуқурлигига боғланган тарзда таҳлил этилган.

Вертикал *p-n*-ўтишли ФМнинг янги конструкцияси яратилди (1-расм). Ҳар бир микро фотоўзгартиргичнинг *p*- ва *n*- қатламларига яхлит омик контакт қоплаш йўли билан ҳажмий ва сиртий рекомбинацияни камайтириш ҳисобига кремний ҳажмида ёруғликнинг кенгрок оптик спектри ўзлаштирилиши натижасида фотогенерацияланувчи заряд ташувчиларни йиғиш эффективлиги оширилган.

Ишлаб чиқарилаётган фотоэлектрик энергия бирлигига нисбатан қимматбаҳо кремний моддасининг сарфи деярли уч марта иқтисод қилиниши



ҳисобига ҳам энергетик, ҳам иқтисодий жиҳатдан самарадор иккиёқлама ва учёқлама сезгир ФМ яратиш имкониятлари кўрсатилган ва илмий исботланган<sup>1</sup>.

Яратилган ФМнинг асосий фотоэлектрик характеристикалари унга ўхшаш анъанавий ФМлар билан солиштириб таҳлил этилган.


Солиштириш натижасида янги яратилган модулнинг фотоэлектрик кўрсаткичлари деярли уч баробар ортганлиги аниқланган ва қимматбаҳо кремний моддасининг сарфини бошқа шу каби ФМларникига нисбатан уч баробарга иқтисод қилишга эришилган (1-жадвал).

1-жадвал

Яратилган уч томонлама ёритилганликка эга фотоэлектрик модуль (1-қатор) ва анъанавий бир томонлама ёритилганликка эга фотоэлектрик модуль (2-қатор) нинг асосий параметрлари

№	Намуналарнинг ўлчамлари (мм <sup>2</sup> )	Микро-фотоўзгартиргичлар блокларининг ўлчами (мм <sup>2</sup> )	Блоклардаги микрофотоўзгартиргичларнинг сони (дона)	Фототок қ.т., $J_{кт}$ (мкА/см <sup>2</sup> )	Салт иши кучланиши, $U_{си}$ (В)	Чиқиш қуввати (мВт/см <sup>2</sup> )	Кремний моддасининг сарфи (кг/Вт)
1	10×3×2	10×1×1	26	232	13,5	3,1	4,9
2	10×3×2	10×1×1	26	79,5	13,5	1,1	14,9

Структуранинг ультрабинафша ва яқин инфрақизил нур спектрал диапазонида фотосезгирлигининг ортиши асосан *p-n*-ўтишнинг вертикаллиги, яъни тегишли энергияли фотонларнинг кремний чуқурлиги бўйича ютилиши, фотогене-рацияланган заряд ташувчи-ларнинг самарали йиғилиши туфайли эришилганлиги илмий асосланган (2-расм).



2-расм. ФМнинг спектрал хариристикаси: анъанавий ФМ (I), тадқиқот натижасида яратилган ФМ (II)


Икки томонлама сезгир фотоўзгартиргичларнинг ҳар икки ишчи юзасига келиб тушаётган ёруғлик оқимини махсус асимметрик нур қайтаргичлар ёрдамида тенглаштириш натижасида унинг фотоэлектрик хусусиятларининг яхшиланишига асосланиб, улар асосида ФМнинг янги самарадор конструкцияси яратилган<sup>2</sup>.

Икки томонлама сезгир фотоўзгартиргичлар асосидаги


<sup>1</sup>Р.Алиев, Э.Мухторов, С.Алиев. Фотоэлектрик модул, ЎзР патенти № IAP 04720, 10.05.2013 й.

<sup>2</sup>Р.Алиев, Х.Мансуров, С.Алиев. Куёш генератори, ЎзР патенти № FAP 01021, 02.06.2015 й.

ФМда ҳар бир алоҳида фотоўзгартиргичларнинг орқа ишчи юзасига тушаётган ёруғлик оқими махсус сферо-цилиндрик юзага эга нур қайтаргичлар ёрдамида йўналтирилган. Фотоўзгартиргичнинг олд ва орқа ишчи юзаларида ҳосил бўлган фототоклар қийматининг тенглашиши таъминланган ҳамда шунинг ҳисобига ФМнинг умумий фотоэлектрик кўрсаткичларининг ортиши кузатишган (3-расм).



3-расм. ФМ схемасининг ён кесими



4-расм. Сферо-цилиндрик сиртга тушган нур қайтишини ҳисоблашга доир чизма

Сферо-цилиндрик шаклдаги нур қайтаргични танлашда унинг эгрилик радиусини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Уни ҳисоблаш учун 4-расмдаги чизмага мурожаат қилинади ва қуйидагича  $tg\alpha = h/b$ ;  $d^2 = b^2 + h^2$ ;  $\beta = \pi - 2(\alpha + \pi/4) = \pi/2 - 2\alpha$ ;  $d^2 = R^2 + R^2 - 2R^2 \cos\beta$  муносабатларга

таянган ҳолда математик алмаштиришлар орқали сферо-цилиндрик сиртнинг эгрилик радиуси учун янги ифода олинади:

$$\begin{aligned} 2R^2 &= (b^2 + h^2)/(1 - \cos \beta) = (b^2 + h^2)/(1 - \sin 2\alpha) = \\ &= (b^2 + h^2)/(1 - 2tg\alpha/(1 + tg^2\alpha)) = (b^2 + h^2)/(1 - 2h/b(1 + h^2/b^2)) = \\ &= (b^2 + h^2)/((1 - 2bh)/(b^2 + h^2)) = (b^2 + h^2)^2/(b - h)^2, \end{aligned}$$

Эгрилик радиуси учун якуний ифода қуйидагича бўлади:

$$R = (b^2 + h^2)/\sqrt{2}(b - h),$$

бу ерда  $b$  – сферо-цилиндрик юзага эга нур қайтаргичнинг асосга нисбатан энининг кенглиги,  $h$  – фотоўзгартиргичнинг баландлиги.

Яратилган ФМда махсус конструкция асосида икки томонлама сезгир фотоэлементларнинг олд ва орқа ишчи юзаларида ҳосил бўлаётган фототок қийматларининг, фотоўзгартиргичнинг орқа томонига тушаётган ёруғлик оқимининг кучайтирилиши ҳисобига тенглаштирилиши ҳамда бунинг натижасида ФМнинг умумий фотоэлектрик кўрсаткичларининг ортанлиги тажриба ўлчашларида ва ҳисоблашларда кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Яримўтказгичларнинг юпқа қатламларида нанотекстуралаш ва квант ўлчамли эффектлар ҳосил қилиш орқали фотонларнинг ютилиш самара-дорлигини ошириш**» деб номланган учинчи бобида яримўтказгичлар юзаларида нанотекстуралар ва квант ўлчамли эффектлар ҳосил қилишнинг аҳамияти, истикболлари, улар ёрдамида фотоўзгартиргичлардаги ёруғлик ютилиш самарадорлигини ошириш ҳамда кремний сиртида квант нуқталар ва металл нанозарраларини ҳосил қилиш усуллари тадқиқ этилган.

Кремний фотоўзгартиргичнинг эмиттер қатламида наноўлчамли структуралар шакллантиришнинг янги усуллари таклиф этилган ҳамда мазкур усуллар ёрдамида тажрибалар ўтказиш тартиби ёритилган<sup>3</sup>.


Биринчи усул ионлар билан нурлантириш орқали кремний юзасида квант нуқталар ва квант толалар ҳосил қилишдан иборатдир. Бу усулда танлаб олинган кремний асосидаги фотоўзгартиргич юзаси махсус панжара орқали энергияси 5 КэВ га тенг бўлган  $B^+$  (бор) ионлари билан нурлантирилган ва кейин 400÷600 °С ҳароратда термик ишлов берилган. Сўнг намуналарга кимёвий емириш йўли билан ишлов берилган ва нур қайтишига қаршилиқ қилувчи қатлам қопланган ҳамда ўтказилган тажрибалардан кейин намуналарнинг сирти таҳлил этилган. Натижада намуналар сиртида квант нуқталар ва квант толалар ҳосил бўлганлиги тасдиқланган (5-расм).

Тажрибалар натижасида олинган намуналарнинг фотоэлектрик характеристикалари таҳлил қилинган. Таҳлилларда фотоўзгартиргич сиртида наноўлчамли структуралар шакллантирилиши ҳисобига намуналарнинг сиртидан нур қайтиш кўрсаткичи 25÷30 % га пасайганлиги ва қўшимча


---

<sup>3</sup>С. Алиев, К. Адамбаев, Р. Алиев. Улучшение оптических свойств наноструктурированием поверхности пленочного кремния, предназначенного для изготовления фотоэлектрических преобразователей энергии // Петербургский журнал электроники, 2017, № 1 (86), стр. 18-22.

тарзда нур қайтишига қарши қатлам ҳисобига фототок қийматининг 10÷15 % га ортганлиги тасдиқланган (6-расм).



**5-расм.** Намуналар юзаснинг ионлар билан нурлантириш тажрибаларидан кейинги микросуратлари



**6-расм.** Фотоўзгартиргичнинг ВАХси: I – нур қайтишига қарши оптик қатламсиз намуна; II – нур қайтишига қарши оптик қатламли ( $SiO_2$ ) намуна; III – наноўлчамдаги структуралар ва нур қайтишига қарши оптик қатлами шакллантирилган намуна

Навбатдаги усулда, нанотекстураланган кремний фотоўзгартиргичларининг сиртига металл нанозаррачлари киритилган. Ушбу усулда ўтказилиши керак бўлган тажрибалар кетма-кетлиги қуйидагича:

кимёвий емириш йўли билан кремний сиртида пирамидали текстуралар ҳосил қилиш;

фосфорни диффузиялаш;

юпқа диэлектрик қатлам билан қоплаш;

пластинкани  $6\div 13^\circ$  бурчак остида жойлаштириб, вакуум шароитида пирамидаларнинг учига чанглантириш усули билан металл нанозарраларини ўтиргизиш;

омик контакт ва нур қайтишига қарши қатлам қоплаш.




Шу тартибда кремний сиртида металл нанозарраларини шакллантириш орқали структураларда фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини ошириш имконияти назарий жиҳатдан тасдиқланган.

Диссертациянинг «Кремний ва  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4$  асосда гетероструктуралар олиш ва хусусиятларини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи боби самарадор фотоўзгартиргичларни яратиш учун истиқболли ҳисобланган кенг зонали ва паст таннархли янги материаллар ҳамда структуралар олиш ҳамда уларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини ўрганишга бағишланган. Унда кремний тагликда  $S/Se$  моддаларининг оптимал муносабатларига эга  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4$  гетероструктураларни олишнинг технологик усули ва янги қатламларнинг асосий характеристикалари баён этилган.

$p-Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4/n-Si$  анизотип гетероструктураларни олиш икки босқичда амалга оширилган бўлиб, биринчи босқичда  $n$ -типли поликристалл кремний асосга  $(3\div 5)\times 10^{-5}$  мм.сим.уст. даражадаги вакуумда,  $250\div 400$  °С ҳароратда мис ( $Cu$ ), рух ( $Zn$ ) ва қалай ( $Sn$ ) металл қатламлари навбати билан чанглантириш йўли орқали ўтиргизилди.

Иккинчи босқичда ёпиқ ампулада селенлаштириш-сулфидлаштириш жараёни ўтказилди. Бунинг учун  $(1\div 3)\times 10^{-5}$  даражагача вакуум ҳосил қилинган кварц ампулага биринчи босқичда олинган намуналар билан биргаликда олтингугурт ( $S$ ) ва селен ( $Se$ ) моддалари жойлаштирилди ҳамда ампула қиздирилди. Қиздириш жараёни  $580\div 600$  °С ҳароратда  $50\div 70$  дақиқа оралиғида давом эттирилди. Қиздириш якунланганидан сўнг ампула совуғач, намуналар ампуладан олинди. Шу тариқа поликристалл кремний асосга  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4$  гетероструктура олинган.

Олинган  $p-Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4/n-Si$  анизотип гетероўтишларнинг электрофизик хусусиятлари таҳлил этилган. Қоронғуликдаги ВАХ гетероўтишнинг яққол диод характеристикасига эга эканлигини кўрсатди (7-расм).



7-расм. Гетероўтишнинг ёритилмаган ҳолдаги вольт-ампер характеристикаси

ВАХдан фойдаланиб  $p\text{-Cu}_2\text{ZnSn}(S_{1-x}\text{Se}_x)_4/n\text{-Si}$  гетероўтишлар назарий таҳлил этилди ва гетероўтишлар орқали ток ўтиш механизми аниқланди. Унга кўра, тўғри кучланишларда ( $3kT/e < V < 0,7$  В) ток оқишининг туннель-рекомбинацион механизми, кучланиш ортиши билан ( $V > 0,8$  В) ток оқишининг туннель механизми ва тескари кучланишларда эса бирқийматли туннель механизмининг амал қилиши аниқланди.

Ўлчанган ВАХ шуни кўрсатадики, ҳароратнинг ортиши билан токнинг тез ўсиб бориши кузатиладиган кучланиш пасайиб боради. Бошқача айтганда, ҳароратнинг ортиши билан потенциал тўсик баландлиги камаяди.

Маълумки, потенциал тўсик баландлиги  $\varphi_k$  нинг қийматини ВАХнинг чизикли қисмини экстраполяция қилиш орқали топиш мумкин. Унинг ҳароратга боғлиқлиги  $\varphi_k(T)$  ни қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$\varphi_k(T) = \varphi_k(0) - \beta_\varphi T$$

бу ерда  $\beta_\varphi = 3,2 \times 10^{-3}$  эВ/К – потенциал тўсик баландлигининг ҳароратга боғлиқлик коэффициенти;  $\varphi_k(0) = 1,55$  эВ – гетероўтишнинг абсолют ҳароратдаги потенциал барьерининг баландлиги.

Олинган натижалар, назарий таҳлиллар ҳамда математик ҳисоблашларга асосланиб,  $p\text{-Cu}_2\text{ZnSn}(S_{1-x}\text{Se}_x)_4/n\text{-Si}$  анизотип гетероўтишларнинг энергетик зоналар диаграммаси таклиф этилди.

Энергетик зонада кўрсатилган физик катталикларнинг қиймати қуйидагича:  $E_g(\text{CZTSSe}) = 1,17$  эВ,  $\chi(\text{CZTSSe}) = 4,48$  эВ,  $E_g(\text{Si}) = 1,12$  эВ,  $\chi(\text{Si}) = 4,07$  эВ,  $\Delta E_c = 0,49$  эВ,  $\Delta E_v = 0,07$  эВ,  $\varphi_0 = 0,95$  эВ.  $E_v$  – вакуум сатҳи,  $E_F$  – Ферми сатҳи,  $E_c$  и  $E_v$  – ўтказувчанлик ва валентлик зоналар чегаралари,  $\chi$  – электронга мойиллик,  $E_g$  – тақиқланган зона кенглиги.

Олинган гетероўтишларнинг фотоэлектрик хусусиятлари ҳам таҳлил этилди. Таҳлил натижасида гетероўтишларнинг фотосезгирлиги тасдиқланди. Тажрибалар натижасида олинган янги структураларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятлари таҳлил қилинди ва улар асосида янги, паст таннархли ва самарадор фотоўзгартиргичлар яратиш имкониятлари аниқланди.



## ХУЛОСА

Кремний негизидаги структураларда фотоэлектрик энергия ўзгартириш самарадорлигини ошириш, янги самарадор фотоэлектрик конструкциялар, истиқболли кенг зонали ва экологик соф структуралар олишни тадқиқ этиш орқали куйидагича хулосалар қилинган:

1. Вертикал *p-n*-ўтишли фотоўзгартиргичлардан ташкил топган, *p* ва *n* қатламларига яхлит омик контактлар қопланиши туфайли заряд ташувчиларнинг сиртий ва ҳажмий рекомбинацияланиш даражасининг пасайтирилиши, инфрақизил нурларга шаффофлиги таъминланган ва кенг спектрал сезгирликка эга бўлишига асосланган кремний асосли структураларда номувозанатли фотогенерацияланган заряд ташувчиларни йиғиш эффе́ктивлигини оширишнинг механизми таклиф этилган.

2. Юқори кучланишли фотоэлектрик модулнинг янги конструкцияси яратилган ва унинг бошқа аналогларга нисбатан фотоэлектрик чиқиш кўрсаткичларининг деярли уч марта юқорилигига ва технологик жиҳатдан қимматбаҳо кремний сарфининг деярли уч баробар камайишига эришилган (Ихтирога патент № IAP 04720, 10.05.2013 й.).

3. Икки томонлама сезгир куёш элементларини қўллашга асосланган ва инфрақизил нурларга шаффоф ҳамда юқори кучланишли фотоэлектрик модулнинг янги конструкцияси таклиф этилган (Фойдали моделга патент № FAP 01021, 02.06.2015 й.).

4. Квант ўлчамли эффе́ктларни ҳосил қилинганлигидан самарали фойдаланишга имкон яратадиган янги конструкцияли фотоўзгартиргичлар тайёрлаш учун текстураланган кремний юзаларида текис тақсимланган металл нанозарраларини шакллантиришнинг янги ва технологик соддалаштирилган усули таклиф этилган.

5. Кремний фотоўзгартиргичнинг эмиттер қатламида наноўлчамли структуралар шакллантириш орқали фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини деярли 1,5 баробаргача ошириш имконияти илмий асосланган ва экспериментал тасдиқланган.

6. Илк бор фотоўзгартиргичларни яратиш учун истиқболли ҳисобланган кенг анизотип  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4/Si$  гетероструктураларни олишнинг экологик соф технологияси яратилган.

7. Лаборатория шароитида олинган *p-Cu<sub>2</sub>ZnSn(S<sub>1-x</sub>Se<sub>x</sub>)<sub>4</sub>/n-Si* анизотип гетероўтишларнинг электрофизик хусусиятлари таҳлил этилган. Ёритилмаган шароитда заряд кўчиш жараёнларини таҳлил этиш орқали *p-Cu<sub>2</sub>ZnSn(S<sub>1-x</sub>Se<sub>x</sub>)<sub>4</sub>/n-Si* гетероўтишлар орқали ток ўтиш механизмлари аниқланган: тўғри йўналишдаги кучланишларда ( $3kT/e < V < 0,7$  В) ток оқишининг туннель-рекомбинацион механизмининг, кучланишнинг янада ортиши билан ( $V > 0,8$  В) ток оқишининг туннель механизмининг ва, шунингдек, тескари йўналишдаги кучланишларда туннел механизмининг амал қилиши кузатилган.

8. Анизотип *p-Cu<sub>2</sub>ZnSn(S<sub>1-x</sub>Se<sub>x</sub>)<sub>4</sub>/n-Si* гетероўтишларнинг энергетик зоналар диаграммасининг физик модели таклиф этилган. Тақиқланган

энергетик зона кенглиги  $1,1\div 1,5$  эВ ва фотоўтказувчанлиги  $5,5\times 10^{-4}$  эВ/К бўлган ҳамда яримўтказгичли фотоэлектрик энергетикада кенг қўлланилиши мумкин бўлган янги материаллар олинган.

9. Тадқиқот давомида назарий ҳисоблашларни амалга ошириш ва натижаларни тушунтириш мақсадида илмий ва таълимий аҳамиятга молик «Физикадан виртуал тажрибалар - Фотоэлектрик модул» (Гувоҳнома № DGU 03540, 2016 й.) ва «Физикадан виртуал тажрибалар - Фотовольтаикада наноплазмоника» (Гувоҳнома № DGU 03861, 2016 й.) каби ЭҲМ учун дастурий маҳсулотлар яратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.02.2018.FM.60.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**АЛИЕВ СУХРОБ РАЙИМЖОНОВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКОГО  
ПРЕОБРАЗОВАНИЯ ЭНЕРГИИ В СТРУКТУРАХ НА КРЕМНИЕВОЙ  
ОСНОВЕ**

**01.04.10 – Физика полупроводников**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИХ НАУК**

**АНДИЖАН – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD/FM100.**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете и Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (adu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Юсупов Ахмед</b> доктор физико-математических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Мамадолимов Абдуғофур</b> доктор физико-математических наук, академик <b>Отажонов Салим Мадрахимович</b> доктор физико-математических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный технический университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.28.02.2018.FM.60.01 при Андижанском государственном университете. Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университет, дом 129. Зал конференций Андижанского государственного университета Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu\_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университет, дом 129. зал конференций Андижанского государственного университета. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu\_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.).

**С.Зайнабидинов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.ф.-м.н., академик

**А.О. Курбанов**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученой степени, к.ф.-м.н.

**И.Н.Каримов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученой степени, д.ф.-  
м.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время одной из важных проблем в мире, развивающихся ускоренными темпами в сфере физики полупроводников, считается повышение эффективности фотоэлектрического преобразования энергии в структурах на кремниевой основе. При этом важными задачами остаются обеспечение эффективного поглощения светового потока, падающего на поверхность фотопреобразователей; снижение скорости поверхностной и объёмной рекомбинации фотогенерированных носителей заряда; получение новых перспективных структур для высокоэффективных фотопреобразователей; изучение их электрофизических и фотоэлектрических свойств, а также исследование возможностей сокращения расхода дорогостоящего кремния.

На данный момент в мире в плане повышения эффективности фотоэлектрического преобразования энергии в структурах на кремниевой основе важными задачами научных исследований считаются следующие: определение возможностей повышения эффективности преобразования фотоэлектрической энергии за счёт снижения темпа объёмной рекомбинации фотогенерированных носителей заряда в гомо- и гетероструктурах с *p-n*-переходом на кремниевой основе; анализ возможностей обеспечения эффективного собирания фотогенерированных носителей заряда в эмиттерном слое и на фронтальной поверхности кремниевых структур за счёт применения инновационных технических решений; получение новых широкозонных и дешёвых материалов и структур, перспективных для создания эффективных фотопреобразователей и определение механизмов переноса заряда в них.

В нашей стране в приоритетных направлениях развития науки, в частности, в отрасли использования возобновляемых источников энергии получены важные результаты, направленные на повышение эффективности полупроводниковых фотоэлектрических преобразователей энергии. Согласно Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в вопросах создания эффективных механизмов развития научно-исследовательской и инновационной деятельности, внедрения в практику научных и инновационных достижений уделяется особое внимание, в частности, исследованию повышения эффективности фотоэлектрического преобразования энергии в структурах на кремниевой основе.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, определённых в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе № УП-2772 от 13 февраля 2017 года «О приоритетных направлениях развития электротехнической промышленности в 2017-2021 годы» и Указе № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации, руководства и финансирования деятельности и научно-

исследовательской работы Академии наук», а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий: «III. Развитие использования возобновляемых источников энергии».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по повышению эффективности фотопреобразователей на кремниевой основе ведутся во многих научно-исследовательских центрах и университетах передовых стран мира. В частности, научным и теоретическим основам повышения эффективности фотоэлектрического преобразования энергии в структурах различных конструкций на кремниевой основе посвящены научные исследования М.А.Гриина, В.А.Летина, В.Р.Заявлиной, Сержа Абракена, Дефиза Жан-Марко, Колетт Жан-Поль, Д.С.Стребкова и других. Благодаря их исследованиям созданы конструкции на основе горизонтального и вертикального *p-n*-переходов, двусторонне чувствительных фотопреобразователей и изучены их электрофизические и фотоэлектрические свойства.

David B. Mitzi (США), Wei Wang (США), Douglas Bishop (США), Oki Gunawan (США), Yeng Ming Lam (Сингапур), Neil S. Beattie (Великобритания) и другие зарубежные исследователи вели изыскания по получению гетероструктур на основе  $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4$  (CZTSSe) и созданию на их основе эффективных фотопреобразователей. В результате исследований учёным удалось получить фотопреобразователи на основе CZTSSe, на стеклянном основании (КПД 12,6%). На данный момент, получение гетероструктур CZTSSe/Si и создание фотопреобразователей на их основе остаётся перспективной и актуальной задачей.

